O'ZBEKISTON
BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№13 (666) 2023 йил 24 февраль, жума
uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ОЗАРБАЙЖОН БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

23 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қўшма Ҳудудлар форумининг биринчи йиғилиши ва Ишбилармонлар кенгашининг учрашувида иштирок этиш учун Озарбайжон делегацияси бошчилигида мамлакатимизга келган иқтисодиёт вазири, икки томонлама Ҳукуматлараро комиссия ҳамраиси Микойил Жабборовни қабул қилди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида иқтисодиёт вазири Микойил Жабборов давлатимиз раҳбарига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Суҳбатда автомобилсозлик, тўқимачилик ва ипакчилик тармоқларида кооперация лойиҳалари жадал амалга оширилаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Қўшма инвестиция жамғармасини тузиш тўғрисида битим имзоланмоқда. Нефть-газ тармоғида, транспорт ва логистика соҳаларида истиқболли лойиҳалар тайёрланмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорлик кўламини, жумладан, амалга оширилаётган маҳаллийлаштириш дастури доирасида янада кенгайтириш муҳим экани қайд этилди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТРАНСАФҒОН ТЕМИР ЙЎЛ ЙЎЛАГИНИ БАРПО ЭТИШ ЛОЙИҲАСИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЗАРУРЛИГИНИ ҚАЙД ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 февраль куни икки томонлама Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлиси доирасида мамлакатимизда бўлиб турган Покистон Ислом Республикаси молия вазири, комиссиянинг Покистон қисми раиси Исҳоқ Дорни қабул қилди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, энг аввало, савдо, инвестиция ва транспорт соҳаларидаги лойиҳаларни амалга оширишнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Исҳоқ Дор учрашув имконияти учун Ўзбекистон етакчисига миннатдорлик билдириб, Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шарифнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда транзит ва преференциал савдо тўғрисида имзоланган муҳим битимларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, ҳукуматлараро музокаралар кун тартиби доирасида иқтисодиётнинг турли тармоқларида аниқ кооперация лойиҳаларини илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама автомобиль қатновларини ривожлантириш ҳамда Марказий ва Жанубий Осиёни Афғонистон орқали боғлайдиган ва Покистон портларига олиб чиқадиган темир йўл қурилиши лойиҳасини жадаллаштириш зарурлигига алоҳида тўхталди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш, ердан оқилона фойдаланиш ва кўп қаватли ишлаб чиқариш биноларини қуришни ҳамда ҳудудларнинг саноат салоҳиятини кенгайтиришни солиқ юкини пасайтириш ҳисобига рағбатлантириш мақсадида:

1. **2023 йил 1 апрелдан 2024 йил 1 майга қадар** эксперимент тариқасида республика бюджетидан пахта ва (ёки) ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига уларнинг ишчиларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари бўйича тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга риоя қилинганда қайтариб бериш тартиби жорий этилсин:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ҳар бир гектар ер учун ойига камида бир нафар ишчининг бандлиги таъминланганда;

ҳар бир нафар ишчи учун ойига меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромад меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда белгиланганда;

пахта ва (ёки) ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги ўтган йил якуни бўйича Солиқ кодексининг 57-моддаси талабларига жавоб берганда.

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси **бир ой муддатда** республика бюджетидан пахта ва (ёки) ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларининг ҳисоб рақамларига уларнинг ишчиларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари бўйича тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 25 санасидан кейин тўлиқ миқдорда қайтаришнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқсин.

3. Белгиланисинки, **2023 йил 1 апрелдан** бошлаб тадбиркорлик субъектлари **янги қурилган** кўп қаватли ишлаб чиқариш бинолари, шу жумладан, 2023 йил 1 январдан кейин фойдаланишга топширилган бинолар юзасидан (республиканинг шаҳарлари, шунингдек, Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай ва Тошкент туманларида жойлашган бинолар бундан мустасно) юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича ҳисобланган суммани уч қаватли бинога – 0,9, тўрт қаватли бинога – 0,8, беш қаватли бинога – 0,7, олти қаватли бинога – 0,6, етти ва ундан юқори қаватли бинога – 0,5 пасайтирувчи коэффициентни қўллаган ҳолда, бино фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тўлайди. Бунда, ушбу бандда белгиланган пасайтирувчи коэффициент:

маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ёрдамчи хоналар билан (офис учун хоналар ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш учун, касбни эгаллаш мақсадида ташкил этилган ўқув-ишлаб чиқариш хоналари ва ҳ.к.) бирга, агар уларнинг майдони янги қурилган кўп қаватли ишлаб чиқариш биносининг умумий майдонининг 20 фоизидан ошмаган бўлса;

ишлаб чиқариш мақсадларида бино бир нечта хўжалик юритувчи субъектлар томонидан биргаликда фойдаланилаётган бўлса, бундай бинонинг ҳар бир мулкдори томонидан қўлланилади.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 23 февраль

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

БСКлар фаолияти билан танишув

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева пойтахтимизнинг Чилонзор тумани 7-мавзесидаги Боғзор ва Оқтепа маҳаллаларида жойлашган кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи "Боғистон коммунал" БСК фаолияти билан танишди.



Мазкур компания 2013 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 3 та катта йўналиш, яъни қурилиш-таъмирлаш, маиший ва қаттиқ чиқиндиларни олиб чиқиш ҳамда кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланиб келмоқда. Вазирлик мутахассислари 19 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи "Боғистон коммунал" компаниясининг реконструкция қилинаётган биносини кўздан кечирдилар.

Ушбу маҳалладаги 37, 38, 45-"а" сонли уйлар синов тариқасида базальт плиталари билан қопланаётгани ҳақида маълум қилгандик. Шу билан бирга, айни пайтда мазкур уйларнинг ертўла қисмидаги муҳандислик коммуникация тармоқлари ва тик қувурлари ҳам тўлиқ янгисига алмаштирилмоқда. Вазирлик мутахассислари шу ишларнинг боришини ўрганди.

Яккасарой туманида назорат тадбири

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекцияси инспекторлари пойтахтимизнинг Яккасарой туманида рейд тадбирларини ўтказди. Ўрганишлар натижасида тумандаги Дилбулоқ маҳалласида жойлашган 1-сонли уйда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

9 қаватли мазкур уйнинг биринчи қаватида истиқомат қилувчи мулкдор умумфойдаланишдаги ертўлага кириш учун уйнинг ичидан плита деворларини бузган ҳолда зинапоя ўрнатгани маълум бўлди. Кўп қаватли уйнинг ички ва ертўла қисмида ўзбошимчалик билан таянч ва таянч бўлмаган деворлар тамомила олиб ташланган. Шунингдек, уйдаги дераза-ромларнинг пастки қисмидаги таянч деворлар ҳам бузилган ва устунли соябон (навес) ўрнатилган.

Ҳуқуқбузарга инспекторлар томонидан маъмурий баённома расмийлаштирилди ва тегишли муддат давомида уйни ўз ҳолига қайтариш бўйича қатъий топшириқ берилди. Шунингдек, бундай ноқонуний қурилмалар ва уй лойиҳасидан чиқиш ҳолатлари ушбу кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи бошқа фуқаролар ҳаётига хавф туғдириши мумкинлиги бўйича тушунчалар берилди.

Яшнобод туманида ўрганиш ишлари

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мутасаддилари пойтахтимизнинг Яшнобод тумани Тузель-2 мавзесидаги "Ватандош" МФЙ 12-"б" уйда истиқомат қилувчи аҳоли мурожаатларига асосан ўрганиш ишларини олиб борди.

Мурожаатларга кўра, 9 қаватдан иборат мазкур уйнинг ертўла қисмида тадбиркорлар томонидан ноқонуний ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ҳолат жойида ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам кўп қаватли уйнинг ертўласи бузилиб ётгани, ҳатто бино фундаменти ўзгартирилаётгани аниқланди.

Мазкур ноқонуний қурилмалар бўйича Қурилиш ва уй-жой коммунал соҳасида назорат инспекциясининг уй-жой фонди ва ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш бўйича масъуллари чақиртирилиб, мавжуд ҳолатни тезкорлик билан ўрганиш вазифаси юклатилди.

"O'ZBEKISTON BUNYODKORI" газетасининг расмий сайти – uzbunyodkor.uz ишга тушганини маълум қиламиз.
Сайтга хабарлар, ишлаб чиқараётган маҳсулот ва хизматларингиз ҳақида маълумотларни жойлаштиришингиз мумкин.
ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ!

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№13 (666) 2023 йил 24 февраль

Қорақалпоғистондаги қурилишлар доимий назоратда

Баҳрам МАДАМИНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи.

Қурилиш – мураккаб жараён. Унда кўп сонли жамоанинг хизматларидан кенг фойдаланилади. Шунинг учун ҳам бу жараён доимий назорат остида бўлиши муҳим. Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ходимлари ҳам бу борада ҳудуддаги қурилиш жараёнларининг сифатли ва камчиликсиз олиб борилишида жонбозлик кўрсатишмоқда.

Ҳудудий инспекцияда бугунги кунда 53 та ходим фаолият юритмоқда. Шундан, 17 нафари инспектор, 5 нафари бевосита архитектура соҳаси мутахассислари ҳисобланади. Коррупциянинг олдини олиш мақсадида барча ҳудудий инспекцияларда комплаенс-назорат бош мутахассиси лавозими жорий этилди. Назорат тадбирлари "Қурилишда давлат назорати" миллий ахборот тизими доирасида амалга оширилмоқда. Қурилиш объектида аниқланган камчиликлар бўйича ёзма кўрсатмалар планшетлар орқали электрон шаклда ёзилиб, камчиликларни бартараф этиш бўйича 3 кундан 60 кунгача муддат бериб борилмоқда.

Ўтган йилда Қорақалпоғистонда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастурлари доирасида қурилиши назарда тутилган 57 та объектнинг барчаси инспекция рўйхатидан ўтказилиб, назорат ишлари олиб борилди. Объектларда ўтказилган мониторинг натижасида 9036 та камчилик аниқланиб, улар бўйича 5883 та ёзма кўрсатма тайёрланган. 192 та ҳолатда ёзма кўрсатмалар бўйича жарима чоралари қўлланилган.

Инспекциядан рўйхатдан ўтмаган ҳолда қурилган объектлар юзасидан МЖтКнинг 99-моддаси 7-қисми бўйича 50 та, топшириш қоидаларини бузган ҳолда фойдаланилган объектлар бўйича 3 та ҳолатда МЖтКнинг 99-моддаси 5-қисми бўйича жарима чоралари қўлланилган. Жумладан, туман ва шаҳар ҳудудларида шу кунга қадар ўтказилган мониторинг натижасида 535 та объект ҳудудий назорат инспекциясида рўйхатдан ўтказилмасдан фаолият юритгани аниқланди. Шундан, 415 таси рўйхатдан ўтказилиб, 50 та ҳолатда МЖтКнинг 99-моддаси 7-қисми бўйича жарима чоралари қўлланилди.

Шунингдек, инспекциянинг иш режасига мувофиқ, 20 та ҳудудда тасдиқланган бош режалар бўйича назорат тадбирлари ҳам ўтказилди. Ўтказилган мониторинглар натижасида 17 та ҳолатда тасдиқланган бош режа бузилиши аниқланиб, уларни бартараф қилиш юзасидан тегишли идораларга хат чиқарилди.

2022 йилда Қорақалпоғистон Республикасида "Янги Ўзбекистон" массивларини барпо этиш ва кўп қаватли уй-жойлар қуриш дастурини амалга ошириш юзасидан 23 та кўп қаватли турар жой объекти барпо этилиши режалаштирилган бўлиб, уларнинг барчаси рўйхатдан ўтказилган. Мазкур объектлар бўйича бир неча маротаба мониторинг ўтказилиб, 113 та ёзма кўрсатма берилган ҳамда 2 марта жарима чоралари қўлланилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022 – 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастурлари ҳамда бошқа турдаги барча объектлар инспекция рўйхатидан ўтказилиб, уларда тегишли тартибда назорат ишлари олиб борилган.

Ўтган йилда объектларда сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилгани бўйича аниқланган ҳолатлар юзасидан қурилиш иштирокчиларига 29 маротаба, жумладан, ёзма кўрсатмаларда келтирилган камчиликларни муддатида бартараф этиш борасида конструктив қўпол бузилишларга йўл қўйган пудрат ташкилотлари ва объектнинг буюртмачи ташкилотларига 30 маротаба тақдимнома берилди. Қурилиш объектларида муаллифлик назоратини тўғри ташкил қилмаган, шунингдек, берилган ёзма кўрсатмаларнинг ижросини таъминлаш борасида мунтазам камчиликларга йўл қўйиб келаётган лойиҳа ташкилотларининг қурилиш соҳасида фаолиятини амалга ошириш учун лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатларини тўхтатиб туриш юзасидан 5 маротаба тақдимнома киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 сентябрдаги "Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига кўра, 2023 йилнинг 1 январидан бошлаб ижтимоий, турар жой ҳамда барча тадбиркорлик объектларини лойиҳалаш ва фойдаланишга қабул қилишда фойдаланиладиган иссиқ сувнинг 25 фоиз миқдори объектларда ўрнатилган қуёш сув иситиш қурилмалари орқали қопланиши талаб қилинади. Бу борада ҳам ҳудудий назорат инспекциямиз ва инспекторлар томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, олиб борилаётган бундай кенг кўламли назорат тадбирлари республикамизда қурилиш соҳасининг сифатини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

"Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖнинг йил сарҳисоби

Ўтган 2022 йил "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ учун самарали йиллардан бири бўлди. Ҳозирги кунда жамият тасарруфида 86 та юқори 110 – 220 ва 500 кВ кучланишли электр узатиш тармоқлари, 11650 км.дан зиёд магистрал электр тармоқлари мавжуд бўлиб, айни пайтда тизимда 4 332 нафар ишчи-ходим хизмат қилиб келмоқда. Ташкилот томонидан йил бошидан белгилаб олинган асосий вазифалар январь-декабрь ойларида босқичма-босқич амалга оширилди.

Жамиятнинг бир йиллик фаолиятини тармоқлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, электр энергиясини узатиш тизимида йил бошидан магистрал электр тармоқлари орқали 66,5 млрд кВт соат электр энергияси узатилиб, белгиланган режа 102,0 фоизга бажарилди. Инвестиция дастури ижроси бўйича электр тармоқларини реконструкция ва модернизация қилиш юзасидан дастур тасдиқланган. Ушбу дастурга асосан, магистрал электр тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш мақсадида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Халқаро тендер савдолари натижаларига кўра, лойиҳалар доирасида иқтисод қилинган маблағларни инобатга олган ҳолда ўтган йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 89,8 млн доллар миқдорида маблағ ўзлаштириши кутилган эди. Ҳисобот даврида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами 112,5 млн доллар ўзлаштирилди.

Бундан ташқари, "Ўзбекистон МЭТ" АЖ томонидан республика иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва бизнес субъектлари ҳамда аҳоли томонидан электр энергиясига бўлган талабнинг ортиб бораётган қисмини тўлиқ қоплаш мақсадида 2019 – 2022 йилларда жамият тасарруфидаги электр тармоқларини модернизация ҳамда реконструкция қилиш ишлари олиб борилди. Ўтган йил бошидан модернизация дастури асосида 9 та подстанциядаги куч трансформаторларини алмаштириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида ўрнатилган қувват қўшимча 1241 МВАга оширилди.

Ўтган йилда жамият томонидан мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари ҳам самарали равишда олиб борилди. Хусусан, магистрал электр тармоқларида умумий қуввати 848 МВА бўлган 10 дона куч трансформатори, 66 дона 110 – 500 кВли ўчиргич, 14 дона компрессор қурилмаси ва 810,23 км узунликдаги 110-500 кВ ҳаво линияларини мукаммал таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланди.

Шунингдек, импортни қисқартириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар бўйича чет эл давлатлари ишлаб чиқарувчи корхоналардан Жамият иш фаолияти учун зарур бўлган электр ускуналарини ҳозирда республикамиз ишлаб чиқарувчи корхоналаридан электрон савдолар асосида харид қилиш натижасида импортни қисқартиришга эришилди.

Ушбу соҳада доимо ишчи кучига эҳтиёж сезилади. Шу боис, янги иш ўринларини яратиш масаласига ҳам катта эътибор қаратилади. 2022 йилда тизим корхоналарида 21 та янги иш ўрни яратилиб, йил бошида белгиланган режа ортиғи билан бажарилди.

Ўтган йилни сарҳисоб қилиш янги режа ва мақсадларни амалга оширишга ҳам имкон яратади. "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ ўтган бу йилда ҳам кўплаб мақсадларни амалга оширишни режалаштирмоқда. Зеро, аномал совуқ билан бошланган ушбу йил соҳада катта ишларни амалга ошириш лозимлигидан дарак беради.

Ўз мухбиримиз.

Форишда ишлаб чиқарилаётган энергия тежамкор маҳсулотлар

Фозилжон ҚОСИМОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Сўнгги пайтда мамлакатимизда турар жойлар, ижтимоий ва ишлаб чиқариш объектларини лойиҳалаш ҳамда қуриш жараёнида авваламбор энергия тежамкорликка эътибор қаратилмоқда.

Энергия тежамкорликка эришиш мақсадида, биноларни қуёш панеллари билан жиҳозлаш, қурилишнинг бошидан то охирига қадар иссиқлик энергиясини тежовчи ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан самарали фойдаланяпти. Хусусан, биноларнинг ташқи деворлари базалът тола асосидаги иссиқлик изоляциялаш материаллари билан қопланиб, қишда иссиқ, ёзда салқинликни таъминлашга эришиляпти.

Дарвоқе, ўтказилган тадқиқотларга кўра, энергия самарадорлик оширилган уйлардаги йиллик энергия сарфи оддий уйларга қарагандa қарийб 2,5 борабар камроқ бўлар экан. Албатта, бу каби энергосамарадор бино ва иншоотларни қуриш учун яхшигина сармоя ҳам талаб этилиши бор гап. Сабаби, энергия тежамкор қурилиш материалларининг жаҳон бозоридаги нархи анчагина юқори. Мамлакатимизда маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган бу каби маҳсулотлар эса сифат жиҳатдан рақобатбардошлилиги ва ҳамёнбоплиги билан харидорларга қўл келмоқда.

Фориш туманидаги базалът тошидан иссиқлик изоляция миллий маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи "Базалът воол" корхонасини бунга мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Чехия давлати билан ҳамкорликда ташкил этилган корхона 300 нафарга яқин ишчи кучи билан, йиллик 33 минг тонна қувватда ишлаб келмоқда. Умумий 7 босқичда тайёрланувчи минерал плиталар импорт ўрнини босувчи, экспортбоп қурилиш материали ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари берган топшириқлар Жиззах вилоятидаги "Базалът воол" корхонаси масъуллари зиммасига ҳам юксак масъулиятни қўйди. Бу ҳам бўлса, қурилиш ташкилотларини базалът момиқлари билан етарлича таъминлаш вазифасидир. Бу йил республикамиз бўйича юзлаб кўп қаватли уйларнинг том ва ташқи девор қисми ушбу энергия тежамкор маҳсулот билан қопланиши назарда тутилган. Жорий йилнинг 2-чорагида маҳаллийлаштириш 100 фоизга етиши режа қилинган мазкур корхонада бу йил худди шундай янги ишлаб чиқариш линияси ишга туширилиши белгиланган. Бунинг натижасида яна 300 нафар маҳаллий аҳоли доимий иш билан таъминланади.

Бугунги кунда Жиззах вилоятида 2 344 та фойдаланишга қабул қилинган кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларнинг 1 820 таси 1991 йилга қадар қурилган. 524 та уй 1991-2021 йиллар давомида қуриб фойдаланишга топширилган. Юқорида келтирилган уйларнинг 29 фоиз қисми ғиштли, 71 фоизи эса панел, бетон қопламали уйларни ташкил этади. Айни пайтда Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик бошқармаси билан ҳамкорликда кўп қаватли уйларнинг фасад қисмини базальт қопламаси билан қоплаш ишларини амалга ошириш мақсадида дастлабки ўрганишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Жиззах политехника институти, Қурилиш материаллари ва кимёвий технологиялар факультети қошидаги ўқув лабораториясида ҳам энергия тежамкор дея эътироф этилаётган базалът плиталарининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини аниқлаш мақсадида илмий текшириш ва синов тажрибалари олиб борилмоқда. Институт ўқитувчилари билан суҳбат жараёнида, ўрганишлар давомида олинган хулосалар билан ҳам қизиқдик. Унга кўра, олов бардош материал ҳисобланган базалът момиқларининг бино ва иншоотлар ёки турар жойлардаги самарадорлик даражаси бинонинг ташқи тўсиқ конструкциясида лойиҳаланган материал турига боғлиқ экан.

Масалан, мамлакатимизда бино ва иншоотлар ғишт-тош ҳамда бетон конструкцияли тизимлар бўйича лойиҳаланади. Бинонинг туридан келиб чиққан ҳолда ҳисобланиб, шунга мос лойиҳа ишлаб чиқилса, базалът плитанинг самарадорлик даражаси янада юқори бўлади.

Бугун Жиззах вилоятида барча турдаги бино ва иншоотлар, кўп қаватли аҳоли турар жойларини лойиҳалаштириш ва мавжудларини реконструкция қилишда энг аввало, энергия самарадорлигини таъминлайдиган меъморий ечимлар ҳисобга олинмоқда. Бу ишлар босқичма-босқич бажарилиши натижасида вилоятда барпо этилаётган сифатли ва шинам уй-жойлар сони янада ортиши шубҳасиз.

Сувдан оқилона фойдаланиш – барчамизнинг бурчимиз

Элёр АБДАЗИМОВ,
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи.

Сувдан унумли фойдаланиш масаласи бугун дунё миқёсидаги глобал муаммолар сирасига киради. Шундай жойлар борки, бир томчи сувнинг қадри олтинга тенг. Шу боис, сувдан фойдаланиш доимо долзарб масала бўлиб келган.

Бу борада Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан ҳам бир қатор вазифалар белгилаб олиниб, шу бўйича ишлар олиб бориляпти. Хусусан, истеъмолчиларни ичимлик сув ва канализация тармоқларига улаш учун техник шартларни тақдим этилишида белгиланган талабларга амал қилиниши устидан Сувинспекция томонидан доимий назорат ўрнатилган. Бу борада ҳозирга қадар ўрганилган 1 122 та техник шартлардан 125 тасида қоидалар бузилгани маълум бўлди. Ҳудудларда ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда жами 3 та, умумий суммаси 1 493,3 млн сўмлик ишлар аниқланди.

Шу ўринда ичимлик суви сифатининг нормаларга мос ҳолда бўлиши ҳам долзарб масала ҳисобланади. Ичимлик суви сифати бўйича ўрганилган 906 та синов таҳлилнинг 58 таси белгиланган санитария нормалари ва норматив ҳужжатларнинг талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлди. Ичимлик ва оқова сув тармоқларидаги 306 та носозлик (авария) ҳолатларини тезкор бартараф эттириш чоралари кўрилди.

Шунингдек, ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари жорий этилган 47 та МФЙда истеъмолчилар билан йиллик суммаси 546,1 млн сўм шартнома расмийлаштирилишига ва уларни хизматлар билан қамраб олинишига эришилгани ҳам соҳадаги катта ютуқлардан ҳисобланади. Ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш ҳамда исрофгарчиликка йўл қўймаслик мақсадида "Сувни биргаликда асрайлик" мавзусидаги тарғибот тадбири ҳамда ичимлик сув, оқова сув хизматлари соҳасидаги қонунчилик янгиликлари, истеъмолчилар ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича давра суҳбатлари ҳам амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида маҳаллаларда, тадбиркорлик субъектларида, таълим муассасалари ва ижтимоий соҳа объектларида ўтказилаётган бундай давра суҳбатлари фаолиятимизни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Давра суҳбатлари давомида аҳолидан 475 та мурожаат ва саволлар келиб тушган бўлиб, уларнинг барчаси қисқа муддатларда ижобий ечимини топди.

3 минг 450 та хонадонга қуёш панели ўрнатилади

Шуҳрат НОРМУРОДОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бугун бутун жаҳон миқёсида, хусусан, мамлакатимизда ҳам электр энергиясига бўлган талаб кескин ўсиб бормоқда. Биргина Қашқадарё вилояти мисолида оладиган бўлсак, сўнгги беш йилда хонадонлар сони 160 мингтага кўпайди, корхоналар сони эса 29 мингтадан 42 мингтага етди.

Аниқки, уларнинг умумфойдаланишдаги электр тармоқларига уланиши ўз-ўзидан қувват ишлаб чиқаришга бўлган талабни ҳам кескин ошириб юборди. Бу ҳолат истеъмол даражаси кескин кўтариладиган куз-қиш ойларида тақчиллиққа сабаб бўлаётганини ҳам ҳеч ким инкор этмайди. Вазиятни юмшатишнинг энг мақбул йўли эса қайта тикланувчи ҳамда экологик тоза муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш эканини дунё тажрибаси яққол кўрсатиб турибди.

Бу борада жорий йилда Қашқадарё вилоятидаги 3 минг 450 та аҳоли хонадонига жами 10,2 МВт қувватли қуёш панеллари ўрнатилиши режалаштирилган. Хусусан, сектор ҳамда вилоят ва туман ташкилотлари раҳбарлари, йирик тадбиркорлар хонадонларига ўз маблағлари, "Темир дафтар"га киритилган оилалар уйларига эса маҳаллий бюджет ҳисобидан шу турдаги муқобил энергия манбалари қурилмалари ўрнатилади. Бу ҳақда вилоят ҳокими воҳа аҳолиси ва тадбиркорларига қилган мурожаатида таъкидлаб ўтди.

Йиғилишда маълум қилинишича, 2022 йилда 20 миллиард сўм маблағ эвазига вилоятдаги 177 та объектда қуёш панеллари ҳамда 371 та объектда қуёш сув иситиш ускуналари ўрнатилган. Натижада, умумфойдаланишдаги тармоқлардан олинадиган 8 миллион 700 кВт электр энергияси иқтисод қилиниб, муқобил энергия манбаларига эга субъектларнинг 3 миллиард 900 миллион сўм маблағини тежаш имконияти яратилган. Жумладан, 900 миллион сўмга вилоят ҳокимлиги биносида ўрнатилган қуввати 70 кВт/соатга тенг қуёш панеллари ҳам тез орада ўз самарадорлигини кўрсатган.

Статистик маълумотларга кўра, жорий йилда жаҳонда ишлаб чиқариладиган қуёш энергияси 1 миллион МВтдан ошиши кутилмоқда. Бу борада Хитой, АҚШ, Япония, Германия ва Ҳиндистон каби давлатлар етакчи. Ваҳоланки, японларда ўртача 167 кун, немисларда эса 136 кун қуёшли бўлади. Бизда эса қуёш йилнинг камида 300 кунида нур сочиб туради. Ана шундай табиий-иқлим шароитида қуёшдан электр энергияси олиш даражаси бизда умумий ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан жуда паст ҳолатда қолаётгани ва ҳозирда истеъмолнинг катта қисмини қоплаб келаётган иссиқлик электр станциялари учун сарфланадиган ёқилғи захиралари абадий эмаслиги бу соҳада ҳам илдам қадамлар ташлаш вақти келганини кўрсатиб турибди.

Вилоят ҳокимининг қайд этишича, жорий йилда ҳудуддаги объектларда умумий ишлаб чиқариш ҳажми 69,3 МВт бўлган кичик қувватли қуёш панелларини ўрнатиш орқали бир йилда қўшимча 77,4 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича вазифалар белгилаб олинган. Яъни, бунда юқорида айтилган 3 минг 450 та аҳоли хонадонидан ташқари, 495 та ижтимоий соҳа ва бошқа бюджет ташкилотлари,

устав фондида 51 фоиздан ортиқ давлат улуши мавжуд 495 та корхона, 3 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари объектларида қуёш панеллари ўрнатилиши кўзда тутилган. Бунинг учун зарур бўладиган маблағлар бюджет, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан молиялаштирилади. Бу ишларни ташкил этиш учун аниқ масъуллар бириктирилган.

Шунингдек, жисмоний шахсларга республикада ишлаб чиқарилган қуёш ва шамол электр станцияси ҳамда қуёш сув иситиш қурилмаларини 3 йил мобайнида фоизсиз бўлиб тўлаган ҳолда сотиб олиш имконияти яратилган. Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг қийматини тўлиқ тўлаган ҳолда уларни харид қилган ва ўрнатган истеъмолчиларга харид харажатларининг бир қисми компенсация қилинади. Истеъмолчилар қуёш ва шамол электр станцияси ҳамда қуёш сув иситиш қурилмаларини тўғридан-тўғри маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар, етказиб бериш, ўрнатиш ва ишга тушириш хизматларини кўрсатувчи корхоналар, маҳаллий чакана савдо объектларидан, шу жумладан, электрон тижорат воситалари орқали сотиб олганда бўлиб тўлаш имконияти берилади. Ёки якуний чакана нархдан компенсация миқдори чегириб ташланади.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари хариди учун кам фоизли кредитлар ажратилиши, уларни ўрнатганларга муайян солиқ имтиёзлари ҳам берилиши назарда тутилган. Бунда жисмоний ва юридик шахслар ўз эҳтиёжлари учун ўрнатган қуёш, шамол ва биогаз электр станцияларида ишлаб чиқарилган электр энергиясининг ортиқчасини "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ ва давлат томонидан электр энергиясини харид қилувчи функцияси (ваколати) берилган орган кафолатланган тарзда харид қилиши ҳақида белгиланган.

Албатта, замон талаби асосида яратилаётган бу имкониятлар аҳолига муқобил энергия манбаси асосида электр энергияни ўз эҳтиёжидан ортганини сотиб, даромад олиши ва мамлакатда электр энергияси таъминоти барқарорлигини оширишга ҳисса қўшишга шароит яратади.

АО "Региональные электрические сети" подвели итоги работы отрасли за 2022 год

Дилфуза ХАБИБОВА, корр. газеты "O`zbekiston bunyodkori".

Прошедший год стал масштабной проверкой на прочность для энергосистемы в целом, серьезным экзаменом для каждого без исключения работника отрасли. Несмотря на то, что в последние годы в отрасли довольно активно идут преобразования, создаются условия для модернизации предприятий, замены устаревшего оборудования и установок, ещё многое предстоит сделать. Перед отраслью стоит целый ряд важных задач. С какими показателями электроэнергетический сектор встретил новый год, в частности о результатах деятельности АО "Региональные электрические сети" за 2022 год, в которых есть заслуга каждого сотрудника многотысячного коллектива, поговорим детально.

Сегодня в структуру АО "Региональные электрические сети" входят 12 региональных филиала и 2 предприятия территориальных (региональных) электрических сетей (АО "Бухарское ПТЭС" и АО "Ферганское ПТЭС"), осуществляющие эксплуатацию электросетей 0,4-6-10-35-110 кВ, а также в рамках их развития новое строительство, реконструкцию, капитальные и текущие ремонты. Кроме того, структурным подразделением являются 3 филиала (Филиал "Центр автоматизации реализации электрической энергии", Филиал "Развитие государственных и договорных услуг", Филиал "Центр государственных закупок").

На сегодняшний день со стороны региональных филиалов и предприятий территориальных электрических сетей, а также их 224 районных и городских предприятий электроснабжения через 1 787 ед. подстанций напряжением 110-35 кВ, далее 96 017 трансформаторных пункта и линий электропередачи, протяженностью 270,3 тыс. км, осуществляется поставка электрической энергии.

Так, в 2022 году АО "Региональные электрические сети" поставлено 68,0 млрд кВт•ч электроэнергии бытовым (7,4 млн.) и юридическим (390,3 тыс.) потребителям. Темп роста по сравнению с аналогичным периодом 2021 года составил 105,6%.

Для более полного удовлетворения спроса и бесперебойного обеспечения потребителей, за отчетный период выполнены плановые работы по капитальному и текущему ремонту электрических сетей. В частности, в целях подготовки электросетей к стабильной работе в осенне-зимний сезон 2022/2023 года осуществлен капитальный ремонт 28 020,8 км сетей и 9 685 трансформаторных пункта, что позволило полностью выполнить поставленные задачи за истекший период.

Кроме того, в рамках вышеуказанных работ на подстанциях напряжением 35-110 кВ полностью отремонтированы 86 силовых трансформатора и 377 выключателя.

В результате принятых мер было дополнительно улучшено электроснабжение почти 3,7 млн. бытовых потребителей и 210 тыс. субъектов предпринимательства, расположенных в более 3,5 тыс. махаллях и сел республики.

За отчетный период также было уделено особое внимание осуществлению полномасштабной работы по реализации инвестиционных проектов, цифровизации и локализации производства необходимых электротехнических устройств.

Согласно постановлению Президента Республики Узбекистан от 30.12.2021 г. №ПП-72 в прошлом году АО "Региональные электрические сети" осуществлена реализация 5 инвестиционных проектов на общую сумму 84,14 млн долларов США.

В частности:

– "Строительство второй линии электропередачи 110 кВ от подстанции "Иштыхан" до подстанции "Горнорудная-2". Освоение капитальных вложений составляет 0,22 млн. долларов США;

– "Модернизация системы внешнего электроснабжения города Самарканда". Прогноз освоения – 8 млн долларов США за счет собственных средств Общества;

– "Развитие и модернизация распределительных сетей и объектов электроснабжения 0,4-6-10 кВ по всей республике". Освоение капитальных вложений составляет 43,8 млн долларов США;

– "Строительство новых и модернизация существующих линий электропередачи (ЛЭП) 35-110 кВ". Освоение капитальных вложений осуществлено в объеме 15,8 млн долларов США;

– "Разработка и внедрение новой биллинговой системы в АО "Региональные электрические сети". Освоены капитальные вложения в объеме 13 млн долларов США за счет собственных средств.

Кроме того, на дополнительные проекты, реализуемые Обществом, в частности, на проект внешнего электроснабжения СЭЗ и МПЗ, за счет собственных средств было освоено 13,3 млн долларов США.

Примечательно, что за истекший период АО "Региональные электрические сети" осуществлена планомерная работа по реализации задач, обозначенных в постановлении Президента Республики Узбекистан "О мерах по реализации программ "Обод кишлок" и "Обод махалла" в 2022-2026 годах". Так, в ходе инвентаризации, проведенной по изучению проблем, актуальных для населения, в целях улучшения условий жизни населения, проживающего в селах и махаллях республики в 1071 махаллях из 9259, требующих первоочередного включения в Программы, проведена работа по обновлению линий электропередачи общей протяженностью 5125,6 км и модернизации 1063 трансформаторных пунктов. В рамках данных программ проводились работы по строительству и ремонту сетей электроэнергии, в частности обновлению и реконструкции 3 087,2 км линий электропередачи и 1 115 трансформаторных пунктов.

Цифровые технологии быстрыми темпами проникают в электроэнергетический сектор, наглядно демонстрируя огромный спектр преимуществ и возможностей, которые становятся доступными для трансформации отрасли и ее необратимого перехода на новый этап развития. В условиях движения к цифровому формату особую ценность обретает практический опыт внедрения и эксплуатации новых технологий на энергетических объектах.

Особо хочется отметить, что в результате проведенной работы по трансформации компании, а также усилий по финансовому оздоровлению в 2022 году в отчете международного рейтингового агентства "Fitch Rating" от 6 октября т.г. международный индикативный рейтинг АО "Региональные электрические сети" оценен на уровне "BB-" "Стабильный".

HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI | Fitch Ratings

Данный рейтинг позиционирует АО "Региональные электрические сети" на мировых инвестиционных рынках, как предприятие с четкой и ясной бизнес-стратегией, прозрачным финансовым положением и сильной системой корпоративного управления.

Для справки, АО "Региональные электрические сети" является одним из крупнейших налогоплательщиков в стране. По предварительным данным, за январь-декабрь 2022 года АО "Региональные электрические сети" в государственный бюджет и внебюджетные фонды направлено около 1 077,22 млрд сум налоговых платежей.

"Respublika mulk markazi" МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Очиқ аукцион савдога "HUDUDGAZ POYTAXT" gaz ta'minoti filialининг 2023 йил 23 февралдаги 41-01-22-27/1934-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Уйсозлар кўчаси, 72-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

№	Автомототранспорт воситалари номи, русуми ва ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич баҳоси (сўм)
1.	1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 162 NCA бўлган "ГАЗ 31029" русумли автотранспорт воситаси	3 877 046,50
2.	1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 420 ZAA бўлган "ГАЗ 31029" русумли автотранспорт воситаси	3 884 868,00
3.	1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 887 FAA бўлган "ГАЗ 31029" русумли автотранспорт воситаси	3 909 451,00
4.	1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 575 WBA бўлган "ГАЗ 31029" русумли автотранспорт воситаси	3 933 074,00
5.	1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 257 ZBA бўлган "ГАЗ 2411" русумли автотранспорт воситаси	3 212 174,50
6.	1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 652 WBA бўлган "УАЗ 3152 " русумли автотранспорт воситаси	4 096 236,50
7.	1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 732 WBA бўлган "ГАЗ 330210" русумли автотранспорт воситаси	19 691 972,50
8.	1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 143 ZBA бўлган "ГАЗ 330210" русумли автотранспорт воситаси	19 691 972,50

Аукцион савдо 2023 йил 3 март куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2023 йил 1 март куни соат 16.00 гача қабул қилинади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2023 йил 3 март куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2023 йил 31 декабрь кунига қадар ҳар ҳафтанинг жума кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 6005 7145 2006 ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Хамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

Тел.: 71-237-23-86.

001805 рақамли гувоҳнома.

"Respublika mulk markazi" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога "Каракалпак дийхан базары" Республика уюшмасининг 2023 йил 22 февралдаги 01/02-7-сонли алоқа хатига асосан, Нукус шаҳри, Гарезсизлик кўчаси, 50-уйда сақланаётган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 590 SAA бўлган, таъмирталаб ҳолатдаги "НЕКСИЯ" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 24 337 000 сўм.

Аукцион савдо 2023 йил 27 март куни соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-"Б" уй манзилида жойлашган "Qoraqalpoq mulk markazi" МЧЖ биносида ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: аукцион савдодан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вакти).

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси "Respublika mulk markazi" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 7005 7145 2012 АТБ "Давр банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850 ОКОНХ 84200.

Аукцион савдо ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-"Б" уй.

Тел.: 61-222-84-44.

Расмий сайтимиз: www.rmm.uz

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг 2022 йил 26 июлдаги мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги ПҚ-3751-сонли, 2019 йил 4 апрелдаги ПҚ-4268-сонли ҳамда 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сонли қарорларига асосан "Ўзагросервис" АЖ тизимидаги туман машина-трактор паркларини устав капитали (фонди)даги ҳудудий "Агросервис МТП" МЧЖларига тегишли улушларини машина-трактор парклари фаолиятини сақлаб қолиш мақсадидаги талабгор тадбиркорлик субъектлари ва кластерларга бир йил муддатгача бўлиб тўлаш шарти асосида сотиш тўғрисидаги ҳамда "Агроинтехника МТП" МЧЖ ягона иштирокчисининг қарорига асосан жамият устав капитали (фонди)даги 100 (юз) фоиз улуш бўйича

"Respublika mulk markazi" МЧЖнинг Poytaxt filiali

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1. Очиқ танлов савдога **"Агроинтехника МТП" МЧЖ устав капитали (фонди)даги 100 (юз) фоиз улуши** "Ўзагросервис" акциядорлик жамияти ижроия органининг 2023 йил 20 февралдаги 09-01/105-155-сонли буюртманомасига асосан қўйилмоқда.

Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, "Наурыз" МФЙ, Кызкеткен гузары, 43-"А" уй.

Балансда сақловчи: "Ўзагросервис" акциядорлик жамияти.

Фаолияти-ихтисослиги: қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликларига механизация хизмати кўрсатиш.

Бошланғич нархи – 4 968 664 344 сўм.

ТАНЛОВ САВДОНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ:

1. Танловда Республика резидентлари (якка тартибдаги ва юридик шахс сифатида фаолият юритувчи тадбиркорлар ва ишбилармонлар) ёки норезидентлари (чет эллик тадбиркорлар ёки уларнинг вакиллари) иштирок этишлари мумкин.

2. Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили савдолар ташкилотчисига очиқ танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатда шахсан ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда.

3. Танлов иштирокчиси ўз бизнес режасида қуйидагиларни ёритиши зарур:

– машина-трактор паркининг асосий фаолияти (механизация ва сервис хизмати кўрсатиш) турини ўзгартирмасдан (камида беш йил), узлуксиз самарали ишлашини таъминлаш;

– мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва кенгайтириш;

– машина-трактор паркининг мавжуд ишлаб чиқариш потенциалини модернизация қилиш, замонавий дастгоҳ (станок)лар ва ускуналар сотиб олиш ҳисобига замонавий Сервис марказига айлантириш бўйича киритиладиган инвестиция бўйича таклиф;

– жамиятдаги бўш ер майдонлари, мавжуд бино ва иншоотларда тадбиркорликнинг бошқа фаолиятини йўлга қўйиш бўйича аниқ таклифлар, қўшимча инвестиция киритиш бўйича таклифлар (бир йилда камида 500 000 000 (беш юз миллион) сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш), қўшимча инвестиция киритиш бўйича таклифлар, натижада барпо қилинадиган қўшимча иш ўринлари;

– улушнинг бошланғич бозор баҳосидан кам бўлмаган миқдорда энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф қилиш;

– сотиб олиш қийматини энг қисқа муддатда тўлаш бўйича таклифлар (кўпи билан 12 ой);

– машина-трактор парки ишчи-хизматчиларининг иш ҳақидан бўлган қарздорликни биринчи навбатда сўндириш бўйича таклифлар;

– иштирокчининг бошқа таклифлари ва уларнинг самарадорлиги.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдо ғолибига танлов савдо натижалари ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида жамиятнинг ягона иштирокчиси "Ўзагросервис" АЖ билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2023 йил 31 март куни Тошкент вақти билан соат 15.00 да "Respublika mulk markazi" МЧЖнинг маъмурий биносида бошланади. Таклифларни очиш вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашиши кўзда тутилган иштирокчилар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Танлов таклифларини қабул қилиш муддати 2023 йил 29 март куни Тошкент вақти билан соат 18.00 да тўхтатилади (таклифлар тушмаган тақдирда, танлов савдоси 2023 йил 17 апрель ва 2, 16, 31 май кунлари соат 11.00 дан бошлаб такроран ўтказилади, такрорий савдога танлов таклифларини қабул қилиш бир иш кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади).

Талабгорлар улушнинг бошланғич нархи 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан закалат пулини (ариза буюртманома топширилгунига қадар) савдо ташкилотчиси "Respublika mulk markazi" МЧЖнинг Poytaxt filialининг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: 2020 8000 0005 7145 2008 ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Танлов ғолиби биринчи тўловни улуш бозор қийматининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорини (10 фоиз закалат пулига қўшимча 20 фоиз қўшимча тўловни) шартнома имзолангандан сўнг, узоғи билан бир ой муддатда "Ўзагросервис" акциядорлик жамияти ҳисоб рақамига тўлаб беради, қолган 70 фоизини бир йилгача бўлган муддатда бўлиб тўлаши мумкин.

Танлов савдоси ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

Маълумотлар учун телефон: 71-237-23-96, 71-237-23-86.

Веб-сайт: www.rmm.uz

001805 рақамли гувоҳнома.

ТУЗАТИШ

"O'zbekiston bunyodkori" газетасининг 2023 йил 21 февралдаги 12-сонида чоп этилган **"Шаҳарга монанд қишлоқлар кўпаймоқда"** сарлавҳали мақоладаги **"эътиборга муҳтож бўлиб қолган қишлоқ врачлик пункти замон талабига мослаштирилди"** деган сўзлар ўрнига **"Шунингдек, оилавий поликлиникага қўшимча хоналар қуриб берилди",** деб ўқилсин.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№13 (666) 2023 йил 24 февраль

Эътиборга муҳтож ҚАҲРАМОНЛАР

Ислом ИБОДУЛЛА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Эрта тонгдан ишга шошар эканман, қўққисдан уй остонасида сув таъминоти ходимларининг ишчи-хизматчиларига дуч келдим. Уларнинг уст-бошларига лой чапланган, абгор ҳолатда, қад-қомати намгарчиликдан заҳм еган каби эгик, сўлиқ эди. Қизиқ, совуқни совуқ, иссиқни иссиқ демасдан меҳнат қиладиган бу кишиларни қандай таърифлаш мумкин?
Шунчаки, уларнинг ўй-хаёллари, умид ва ҳасратларини англаш учун сувсоз бўлиш керак, холос!
Улар билан танишиш баҳонасида “Тошкент шаҳар сув таъминоти” МЧЖ корхонасида бўлдим...

АНОМАЛ СОВУҚДАН ТЎҒРИ ХУЛОСА ОЛДИКМИ?

Сув таъминоти корхонасининг ишчиларидан бири. Овози хира чиқади. Саволга тутдим.

– Шамоллабсиз, шекилли?

– Ҳа, кеча сув кечиб қувур таъмирладик, – деди эътиборсиз.

– Ишдан кейин яхши дори-дармон билан даволаниб оласиз-да.

У мийиғида кулди.

– Ака, бизнинг топганимиз яхши дорига етмайди-ку...

Сиз бирон идоранинг раҳбари ёки ходими бўлишингиз мумкин. Баъзан маошингиздан нолиб, хуноб бўласиз, аммо кўчада озгина ойлик учун жон чекиб ишлаб юрган кишиларнинг борлиги ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Уларнинг юзларидаги кулгунинг ортида қанча уқубат яширин – буниси бизга қоронғи.

– Коммунал соҳада ишлашнинг машаққати айри, – деди “Тошкент шаҳар сув таъминоти” МЧЖ ходими Баҳодир Исматуллаев. – Тасаввур қилинг, сиз сув таъминоти корхонасида ишлайсиз. Маошингиз кам бўлса қоласизми ёки?.. Одам қадрига куяди. Бизнинг корхонамиз кичик эмас, минглаб ходим бор. Кўплаб тақдирлар бор. Уларнинг ишдан кўзлаган мақсадлари бисёр.

Атрофга разм солсангиз, бундай одамлар етарлича топилади. Улар оддий кўча супурувчи, чилангар ва сувсоз бўлиши мумкин. Айниқса, жорий йил бу инсонларнинг қадрини чуқурроқ англадик, аммо тўғри хулоса қила олдикми?

СЕРҒАЙРАТ “ДЕСАНТ”

Атрофимизда шундай кишилар борки, уларнинг меҳнатлари барчамизга асқатади, аммо кўринмайди. Газетхонларимиз оддий сувсоз, жонкуяр инсон Жахсилиқ Айнабаев ҳақида ўқишган бўлса ажабмас. Аввалги сонларимизнинг бирида “Тошкент шаҳар сув таъминоти” МЧЖ корхонасига қарашли тезкор авария тиклаш гуруҳининг ғайратли ишчиларидан ҳисобланган Жахсилиқ ҳақида ҳикоя қилган эдик. У ўтган аномал совуқдек мураккаб вазиятда сув таъминоти тармоқларида юзага келган йирик аварияларни бартараф этишда юксак матонат кўрсатди. Хизматга шайлиги, тезкор қарор қабул қилиши ва маҳорати билан ўзи ишлаб келаётган корхонада “десант” номини олган. Унинг бир дунё ҳасратлари бордек, аммо ичга ютган. Кун келиб вазият яхшиланишини кутиб яшамоқда.

– Ишга Тошкент вилоятидан қатнайман, – деди Жахсилиқ Айнабаев. – Касбимизнинг қийинчиликларига қарамасдан шу соҳада меҳнат қилиб келяпмиз. Бу ишнинг машаққати ўтган совуқ кунларда яққол сезилди. Баъзан танишларим арзимаган маошга ишлагандан кўра, тузукроқ касб билан шуғуллан, деб гап қотишади. Айтишга осон, лекин касб-коридан мамнун бўлган, иш жойини ардоқлаган киши у ердан кетишга ошиқмайди. Ҳозиргача эрта-кечлигига қарамасдан сув таъминоти корхонасида ишлаб келяпмиз. Аслида, кетишга арзигулик сабаблар бисёр. Тўғриси, ҳар қандай сув тармоғи тортилган ҳудудда иш олиб борамиз. Айримлар бизнинг ишимизни арзимаган, деб ўйлашади. Лекин бизнинг ишимизни ҳамма ҳам бажара олмайди.

Албатта, кишининг шахсияти шундай вазиятда билинади. Ҳар қандай мушкулотни енгиб ўтишга қодир бўлган, ишига масъулиятни ҳис эта олганларгина шароитдан нолимайди. Аксинча, бу йўлда ҳурмат-эътибор орттириб, жамоанинг ажралмас бўлагига айланади. Бундай инсонларни қўллаб-қувватлаш эса, яна бу жамиятнинг вазифаси бўлиб қолади. Жахсилиқ Айнабаев каби коммунал соҳа жонкуярлари шундай эътирофга лойиқ.

СУВ – ОБИ ҲАЁТ, СУВСОЗ КИМ?

Маълумки, жорий қиш мавсумида хонадонларимизда газ босимининг пастлиги натижасида қўшимча электр иситгичлардан фойдаланиш даражаси ошди. Бу эса мавжуд электр қурилмаларида ортиқча кучланишни юзага келтириб, кўплаб аҳоли яшаш хонадонларида фавқулодда авария ҳолатларига сабаб бўлди. Оқибатда истеъмолчилар оғир шароитда қолишди. Қизиғи, бу даврда оддий чилангару сувсоз, газ таъминотчиларидан иборат тезкор бригадаларнинг меҳнатсевар ишчилари катта фидокорлик кўрсатишди. Шубҳасиз, уларнинг орасида сув таъминоти корхоналари вакиллари ҳам бор эди. Улар истеъмолчиларнинг инжиқликлари ва ҳаво ҳароратининг кескин совуқлигига қарамасдан, тармоқлардаги носозликларини матонат билан бартараф этишди.

– Аномал совуқ шароитида ўзим ҳам авария ҳудудларида бўлдим, – деди “Тошкент шаҳар сув таъминоти” МЧЖ ходими Баҳодир Исматуллаев. – Тезкор авария гуруҳининг мард ишчилари йирик сув қувурларидаги ёриқларни тузатишда ҳақиқий қаҳрамонга айланишди. Тасаввур қилинг, ёрилган қувур 4-5 метр чуқурда, ҳаво ҳарорати эса минус 15-20 даража атрофида. Ишчилар белкураклар билан қувур ёнларини очишади. Кейин, лой чапланган белкурак бир онда музлаб қолади. Шу шароитда сув кечиб ишлашни ўйлаб кўринг-а?! Қанча ишчиларимиз соғлиқларига зарар етказишди. Шунда ҳам меҳнатдан қочишмади. Дўстнинг яхшиси оғир кунда билинади. Уларнинг олаётган маошлари эса, амалда дори-дармонига ҳам етмаслиги мумкин.

Ҳа, улар ҳақиқий матонат эгалари. Авария ҳудудида бир неча қулоч чуқурликда ёрилган сув қувурларининг сувли ботқоқларида ишлаб, тунларни тонгларга уладилар. Ҳамма ҳам бундай жасорат кўрсата олмайди.

ПАРАДОКС ЁХУД МУАММО УРЧИГАН СОҲА

Ҳар ким экканини ўрадими? Ҳа, ёнатрофимизда қизиқ парадокс ҳолатлари учраб туради. Шунчаки, кузатиш керак. Кимдир осон меҳнат учун кўпроқ, кимдир қийин ва машаққатли иши эвазига камроқ иш ҳақи олади. Аслида бу жамиятнинг чалкаш қонуниятларига ўхшаб кетади.

Ўтган аномал совуқда хизмат қилган коммунал соҳа ходимлари моддий рағбатлантирилди. Аммо бу билан уларнинг кейинги фаолияти суғуртага эга бўла оладими? Албатта, йўқ. Ҳозирги кунда ёнатрофимизни эпақада тутиб турган қатлам – коммунал соҳа ислоҳотларнинг асосий тизимидан узилиб қолганга ўхшаб кўринмоқда. Маълумотларга кўра, бугун Тошкент шаҳридаги асосий сув тармоқлари эскирган, қозонлар даврини ўтаб бўлган. Бундай шароитда носозликлар кўпайиши табиий ҳол. Муаммолар урчиган соҳада ишчиларнинг арзимаган ойлик маош эвазига хизмат қилиб келаётгани кишини ҳайратга солади.

Фикримизча, айни пайтда меҳнат фаолияти ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қатъий белгиланган, чуқур ўйланган ва ўзаро манфаатларнинг зид келишига қарши тура оладиган мукаммал қонунга муҳтожмиз. Жамият иштирокчиларининг иш ҳақлари ўртасидаги баланснинг йўқолиши кишилар характерига ҳам таъсир этмай қолмайди, албатта. Бюджет ташкилотларининг меҳнат тоифалари ва меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори бўйича алтернатив чоралар кўрилиб, коммунал соҳа хизматчиларининг меҳнатларига яраша ҳақ тўланиши керак. Албатта, улар бунга арзийди.

Ҳар бир лойиҳа изланиш ва ташаббусдан яралади

Ҳамза ШУКУРОВ, “O‘zbekiston bunydkori” мухбири.

Бугун эл манфаати йўлида пешона терини тўкаётган лойиҳачию қурувчилар юртни обод қилиш, мукаммал чизмалар асосида кўркам бинолар барпо этиб, одамлар назарига тушишга астойдил интилишмоқда.

Уларнинг хизматлари туфайли нафақат юртимиз гуллаб-яшнамоқда, балки аҳоли турмуши ҳам фаровонлашмоқда. Қувонарлиси, сўнгги пайтда бундай ўзгаришлар шаҳарлар қаторида қишлоқ жойларида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Шу боис, бугун қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги тафовут барҳам топяпти. Бунинг сабабини намунавий типда яратилаётган лойиҳалар билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Самарқанд вилояти туманларида ҳам кейинги йилларда намунавий лойиҳалар асосида ўн мингга яқин уй-жойлар қурилиб, ўз эгаларига топширилди. Шу ўринда, мазкур иморатлар лойиҳаси “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институтининг Самарқанд вилояти филиали ходимлари томонидан тайёрланганини алоҳида таъкидлаш керак.

Ушбу аҳил жамоани вилоятдаги бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган илғор ташкилотлардан бири, десак муболаға бўлмайди. Ҳозирги кунда ташкилотда 21 нафар меъмору муҳандис, геодезист ва топонимикачи мутахассис фаолият юритади. Малакали мутахассислар давлат дастурларида белгиланган бинолар бош режалари ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда самарали меҳнат қилиб келмоқда.

– Инвестиция дастурига киритилган объектлар бўйича қатор юмушларни рўёбга чиқараяпмиз, – деди филиал директори Жасур Тўхтаев. – Жумладан, Президентимизнинг “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги қарорига асосан, вилоятда 1 758 та уй-жой лойиҳаси тайёрланди. Эътиборлиси шуки, эндиликда қишлоқларда ва чегара ҳудудларида барпо этилган иморатлар ҳам олдингидек бир қаватдан иборат бўлмай, 4-5 қаватли қилиб қурилаётгани ҳамда улар атрофида инфратузилма яратилаётгани аҳолига қувонч бағишламоқда. Ургут туманининг чегара қисмидаги Ваткан маҳалласида қад ростлаган тўрт қаватли уй бунга мисолдир.

Лойиҳачилар “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК буюртмаси асосида ҳам анчагина юмушларга қўл урди. Хусусан, 20 та массивда 50 дан зиёд уй-жойларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб, экспертиза ташкилотларидан тегишли хулосаларни олиб, бинокорларга тақдим этишди. Бундан ташқари, жамоа қишлоқлар аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш, ички йўлларни ўтказиш ишларида ҳам фаол қатнашиб, муаллифлик назоратини олиб бормоқда. Янгидан барпо этилаётган маҳалла марказлари, шинам уй-жойлар, мактаб, МТТ бинолари лойиҳалари ҳам ана шу ташкилот мутахассислари муаллифлигида яратилмоқда.

Жамоа “Обод қишлоқ” дастури доирасида ҳар бир маҳалланинг архитектуравий қиёфаси ва инфратузилмасини яхшилашга астойдил бел боғлаган. Айни пайтда эса улар “Янги Ўзбекистон” массивлари лойиҳаларини таъминлаш, бош режа-сметалар бажарилиши устидан назоратни олиб бормоқда. Вилоятда иккита – Ургут туманининг Мерганча ва Булунғур туманининг Ғўбдин массивларида бу ишга аллақачон жадаллик билан киришилган.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ Андижон вилояти филиали

“Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти ишчи ва ходимлари ўртасида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган аукцион савдога таклиф этади!

Бошланғич баҳолари амалдаги қонунчилик асосида нархи босқичма-босқич юқорилаб борувчи аукцион савдоларига “Андижон ҳудудий электор тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамиятининг 2023 йил 20 февралдаги 30-01/603-сонли буюртманомасига асосан акциядорлик жамияти балансида бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 287 QAA бўлган “КРАЗ-250” русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 30 946 575 сўм.
2. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 350 GAA бўлган “ГАЗ-5201” русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 3 594 250 сўм.
3. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 CA 305 бўлган “ТТ3.80.10” русумли трактор. **Бошланғич баҳоси** – 4 144 250 сўм.
4. 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 529 PBA бўлган “DAMAS ГБА СПГ” русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 3 721 575 сўм.
5. 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 396 AAA бўлган “ВАЗ-21053” русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 1 736 625 сўм.

Аукцион савдо 2023 йил 7 март куни соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Савдоларга аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2023 йил 6 март куни соат 9.00 дан 18.00 гача.

Савдога қўйилган мулклар билан жамият вакиллари билан жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулкнинг бошланғич баҳоси 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Respublika mulk markazi” МЧЖ Андижон вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 9005 7145 2014 “Даврбанк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71-уй.

Телефон: 93-447-08-13.

Эслатма: мулкнинг сотилиш қийматидан 10 фоиз миқдорида комиссион тўлов ҳамда энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида ахборот ва маслаҳат хизмати учун тўловлар мулкнинг сотилиш қийматидан ташқари амалга оширилади.

00156 рақамли гувоҳнома.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Февраль ойининг шу ҳафтасида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик бошқармаси ҳузуридаги ишлаб чиқариш бўлими етакчи мутахассиси **Бахтиёр Набиев,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи инспектори **Турганбай Пурханов,**

Самарқанд вилояти, Иштихон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик бўлими бошлиғи **Аслиддин Мурадов,**

Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик бошқармаси етакчи мутахассислари **Шоира Шамансурова ва Муқаддас Акрамова**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Жалол Арашов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри,
Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй.
Телефонлар:
71-234-47-18 (қабулхона),
71-234-47-19 (таҳририят),
71-234-47-20 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-237.
1768 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Хўжаева.

Навбатчи – И. Ибодулла.

ЎзА якуни –
Топширилди – 22.40.

123456